



ЁШЛАР ҲУҚУҚИЙ ОНГИ ВА МАДАНИЯТИНИ ОШИРИШ ОРҚАЛИ ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИ ВА ТАРТИБИНИ ТАЪМИНЛАШ

Замонбеков Умидбек Авазбек ўғли
Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги
университети мустақил изланувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.19551182>

ARTICLE INFO

Received: 4th April 2026
Accepted: 5th April 2026
Published: 12th April 2026

KEYWORDS

ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданият, профилактика, масофавий таълим, хориж тажрибаси, ОАВ билан ҳамкорлик, ҳуқуқий нормалар.

ABSTRACT

Мазкур мақолада ёшлар ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш орқали жамоат хавфсизлиги ва тартибини таъминлаш, уларда қонунларга итоаткорликни таъминлаш, ҳар қайндай ҳуқуқбузарликка нисбатан иммунитетни шакллантириш, бунда педагогик услублардан фойдаланиш зарурати асослантириб берилган ва мавжуд муаммолар юзасидан таклиф ва тавсиялар келтириб ўтилган.

Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни ошириш коррупцияга қарши курашишнинг асосий чоралари бўлмиш ҳуқуқий таълим ва ҳуқуқий тарбия тизимини такомиллаштиришни, барча давлат органлари, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан қонун ва ҳуқуққа бўлган ижобий муносабатга етишиш, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, фуқароларнинг ижтимоий-ҳуқуқий фаоллигини таъминлашни ўз ичига олади.

Шу муносабат билан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019-йил 9-январ куни “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди. Ушбу Президент Фармонида жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланди:

- аҳолига мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари ва давлат дастурларининг мазмуни ва моҳиятини изчил етказиш тизимини шакллантириш, фуқаролар онгида “Жамиятда қонунларга ҳурмат руҳини қарор топтириш – демократик ҳуқуқий давлат қуришнинг гаровидир!” деган ҳаётий ғояни мустаҳкамлаш;
- жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда, энг аввало, таълим-тарбиянинг тизимли ва узвий равишда олиб борилишига алоҳида эътибор қаратиш, мактабгача таълим тизимидан бошлаб, аҳолининг барча қатламларига ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни чуқур сингдириш, шахсий манфаатлар ҳамда жамият манфаатлари ўртасидаги мувозанатни сақлаш ғояларини кенг тарғиб қилиш;
- ёш авлод онгига ҳуқуқ ва бурч, ҳалоллик ва поклик тушунчаларини ҳамда одоб-ахлоқ нормаларини чуқур сингдириб бориш, Конституциянинг муҳим жиҳатларини уларга болалигидан бошлаб ўргатиш;
- аҳоли ўртасида ҳуқуқий маданиятни шакллантириш бўйича ҳуқуқий-маърифий тадбирларни халқимиз тарихи, дини, миллий қадриятларини ўргатиш билан уйғун ҳолда ташкил қилиш, шунингдек, ҳар бир фуқарода давлат рамзлари билан фахрланиш

туйғуларини шакллантириш орқали мамлакатга дахлдорлик, ватанпарварлик ҳиссини кучайтириш;

- давлат хизматчиларининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириб бориш, уларда коррупсия ва бошқа ҳуқуқбузарликларга нисбатан муросасизлик муносабатини шакллантириш;

- давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда фуқаролик жамияти институтларининг манзилли ҳуқуқий тарғиботни амалга ошириш борасидаги ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлаш;

- жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни оширишга доир тадбирларни ташкил этишда ижтимоий шериклик принципларидан кенг ва унумли фойдаланишни тизимли асосида йўлга қўйиш;

- оммавий ахборот воситаларининг ҳуқуқий ахборот билан таъминлашдаги ролини ошириш, ҳуқуқий тарғиботнинг инновацион усулларида кенг фойдаланиш, шу жумладан, веб-технологияларни қўллашни кенгайтириш;

- юридик таълимни такомиллаштириш, шунингдек, юридик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини ривожлантириш;

- жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг илмий асосларини чуқур тадқиқ этиш. Шунингдек, жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда “шахс – жамият – маҳалла – таълим муассасаси – ташкилот – жамият” принципи бўйича тизимли ва узвий ташкил этиш¹ белгилаб берилди.

Кўпинча болалиқдан катталиққа ўтиш икки босқичга бўлинади: болалиқ ва ўсмирлик (ерта ва кеч). Бироқ, бу даврларнинг хронологик чегаралари кўпинча турлича белгиланади. Масалан, психиатрияда 14 ёшдан 18 ёшгача бўлган ёш ўсмирлик деб аталади, психологияда эса 16-18 ёшлилар кўпинча ёшлар деб ҳисобланади. В.Далнинг изоҳли луғатида ёшлиқ “15 ёшдан 20 ёшгача ва ундан кўп ёш, кичик, йигит”, ўсмир эса «ўсмирлик давридаги бола», тахминан 14-15 ёшда деб таърифланган. ЮНЕСКО ҳужжатларида яна бир ёш градациясини топиш мумкин: болалар (12-15 ёш), ўсмирлар (15-17 ёш)

ва ёшлар (18-24 ёш) га бўлинган. Қадимги рус тилида “молодой” (сўзма-сўз — гапириш ҳуқуқига эга эмас) дегани: хизматкор, ишчи, княз жангчиси.

Афсуски, ҳозирги вақтда ёш авлод тобора кўпроқ ҳуқуқий нигилизмда айбланмоқда. Шу билан бирга, Ўзбекистонда фуқаролик жамияти ва қонун устуворлигини самарали шакллантиришга халақит берадиган номақбул ижтимоий ҳодиса сифатида ёшларнинг ҳуқуқий инфантилизи муаммоси ҳам юзага келган. Аммо шуни таъкидлаш жоизки, ёшлар маълум бир жамият, маълум ҳуқуқий тизим анъаналари доирасида шаклланади. Бу тобора кўпроқ жамиятда мавжуд бўлган хатти-ҳаракатлар қоидалари ва меъёрларини менсимаслик ёки уларни инкор этишда намоён бўлади. Янги авлод дунё ҳақидаги тасаввурини қайта шакллантирмоқда ва бу ёшларнинг асосий қадриятларига айланмоқда. Ҳуқуқий дунёқарашни шакллантириш жараёнида ёшларнинг ҳуқуқий тарбияси самарадорлиги ёшларнинг ҳаётнинг барча жабҳаларида қонунларга риоя қилиш зарурлигига боғлиқ. Ёшларга ҳуқуқий тарбиявий таъсир кўрсатилмаганлиги бугунги жамиятда ёшлар ҳуқуқий нигилизмнинг салбий кўринишлари кенг тарқалиб, ёшлар хулқ-атворининг турли кўринишлари девиянт, кўпинча ҳуқуқбузарлик хусусиятига эга бўлиб, “ёшларнинг онги ва хулқ-атворида, асотсиал ва антисотсиал ғоялар ва моделлар бирлашишга ҳисса қўшаётган асосий омиллардан бирига

¹ O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Jamiyatda huquqiy ong va huquqiy madaniyatni yuksaltirish tizimini tubdan takomillashtirish to‘g‘rsida”gi 2019-yil 9-yanvardagi Farmoni // Xalq so‘zi. – 2019. – 10 yanvar.

айланмоқда”². Бу вазифаларни амалга оширишда таълим сиёсатида муносиб ўрин эгаллаган ҳуқуқий таълим муҳим ўрин тутди. К.В.Науменкова таъкидлашича: “ҳуқуқий таълим жаҳон ва миллий маданият қадриятларини ифодаловчи ҳуқуқий ғоялар, нормалар, тамойилларни шакллантиришга қаратилган чора-тадбирлар тизими сифатида белгиланиши мумкин”³.

Ҳуқуқшунос олим И.Тултейев ҳуқуқий тарбиянинг қуйидаги умумлаштирилган икки вазифасини ифодалайди: “Биринчиси тарбияланувчиларга маълум миқдордаги ҳуқуқий билимлар, кўникма ва малаканинг берилиши. Иккинчиси – тарбияланувчиларда ҳуқуқий ғоялар, ҳиссиётлар, эътиқодни шакллантириш”⁴.

Ҳуқуқий таълим икки томонлама жараён бўлиб, таълим муносабатлари субъектларини чуқур ўрганишни назарда тутди. Жумладан, турли гуруҳларнинг хусусиятларини ҳисобга олиш, ҳуқуқнинг мавжуд нормалари, тамойиллари ва қадриятларини тушуниш. Ҳуқуқий таълим жараёнида ўқитувчи ҳуқуқий маконда ҳаракат қилишни ўргатади. У шахсни шакллантириш (“тарбия”) ва тўпланган билимларни ёш авлодга (“таълим”) ўтказиш учун педагогик фаолиятни бирлаштиради.

Ёшларни ҳуқуқий тарбиялаш муносабати билан биз бугунги ҳуқуқий соҳада энг кенг тарқалган ёшларни ҳуқуқий тарбиялашнинг асосий шакллари аниқлашни зарур деб ҳисоблаймиз:

1. Махсус тайёргарликдан ўтиш ва олий ва ўрта касб-ҳунар мактабларида ўқишни назарда тутувчи юридик таълим. Ҳуқуқий таълим — бу ёшларга таълим жараёнида ҳуқуқий билимларни етказиш, тўплаш ва ўзлаштиришдир⁵.

2. Тарбиявий маърузаларда, оммавий маслаҳатларда, шунингдек оммавий ахборот воситаларида олиб бориладиган ёшларга ҳуқуқий тарбиявий тарғибот⁶. Ҳуқуқий тарғибот ёшлар ўртасида ҳуқуқий муносабатлар, ғоялар, дунёқараш ва ҳуқуқий дунёқарашни кенг тарғиб этишни ўз ичига олади.

3. Ихтисослаштирилган ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ёш ҳуқуқбузарларни ҳуқуқий тарбиялаш борасидаги ҳуқуқий тарбиявий амалий фаолияти.

Ҳуқуқий маданиятнинг ёшлар ҳуқуқларини таъминлашдаги ролини билиш билан бир қаторда уларни ҳимоя қилувчи органларни аниқлаб олиш мақбулдир. Ёшларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминловчи органлар тизимида одил судлов муҳим ўрин тутди. Нуфузли суд тизимини шакллантириш давлатимиз замонавий ривожланиш сиёсатининг ажралмас қисмидир. Кўплаб ҳуқуқбузарликларга сабаб бўлаётган янги иқтисодий ва ижтимоий шароитда адолатли ва мустақил суднинг роли беқиёс ортиб бормоқда. Бироқ, суд ҳокимиятининг ушбу фазилатларини шакллантириш ҳокимиятнинг бошқа тармоқлари билан муносабатлари ва уларнинг судга таъсири билан белгиланади. Ёшлар ҳуқуқларини таъминлаш ва ривожлантиришнинг яна бир муҳим институти — Болалар омбудсмани ва унинг маҳаллий вакиллари. Вакил ёшларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳолатини, уларнинг амалга оширилишини назорат қилади, ёшларнинг ҳуқуқлари бузилганлиги ҳақидаги аризаларини текширади. Шунинг таъкидлаш керакки, бу борада ҳам жиддий муаммолар мавжуд. Бу муаммолар, биринчи навбатда, Вакил томонидан ўз вазифаларини бажариш билан боғлиқ. Вакил зиммасига

² Самыгин П. С., Исакова Ю. И., Печуров И. В. Правовая социализация современной российской молодежи: моногр. / под ред. С. И. Самыгина. М., 2016. С.7.

³ Науменкова К.В. Проблема правового воспитания граждан России на рубеже веков // Проблемы государства, права, культуры и образования в современном мире. 2004. № 2. С.41-42.

⁴ Одилқориев Х.Т., И.Т.Тултейев ва бошқалар. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. – Тошкент: «Шарк». 2009. – Б.292.

⁵ Малько А. В. Теория государства и права в вопросах и ответах. М., 2004.

⁶ Самыгин С. И., Попов М. Ю., Загутин Д. С. Социальные сети как социальный институт социализации молодежи // Гуманитарные, социально-экономические и общественные науки. 2015. № 5.

юклатилган вазифаларнинг бажарилишига, фуқароларнинг аризалари бўйича текширувлар ўтказилишига мансабдор шахслар кўп ҳолларда халақит бермоқда. Бундан ташқари, ёш фуқароларнинг ўзлари кўпинча ўз ҳуқуқларини қандай ҳимоя қилишни билмайдилар ва ҳуқуқларни ҳимоя қилиш учун мўлжалланган давлат муассасаларига ишонмайдилар. Бу аҳолимизнинг ҳуқуқий маданияти ҳали ҳам етарли эмаслигидан далолат беради ва бу жамият учун ҳам, давлат учун ҳам жиддий оқибатларга олиб келиши мумкин. Сўнгги пайтларда мамлакатда кўплаб нодавлат инсон ҳуқуқлари ташкилотлари пайдо бўлди. Уларнинг ўрни жуда катта, чунки улар ёшлар ҳуқуқларининг амалга оширилиши устидан мустақил назоратни амалга оширади, жамият ва давлат эътиборини бу борадаги ҳуқуқбузарликларга қаратади, инсон ҳуқуқлари бўйича давлат органлари фаолиятига ҳисса қўшади. 1978-йилдан бери Австрияда “Мактабларда фуқаролик таълими” қонуни мавжуд бўлиб, унга кўра “ҳуқуқий таълим жамият ва давлатнинг, хусусан, фуқароларнинг шахс сифатида ривожланишининг асосига айланади ва унинг мақсади фуқароларнинг ҳуқуқий онгини умумйеуропа миқёсида шакллантириш ва глобал жаҳон муаммоларини тушунишдир”⁷; Англия ва Ирландияда ихтиёрий ҳуқуқшунослик дастурлари мавжуд. Ушбу дастурлар турли даражадаги ўқитишга қаратилган эди — бошланғич ва асосий. Аммо 2000-йилларнинг бошидан бошлаб Англияда юридик таълим ихтиёрий тоифадан мажбурий тоифага ўтган⁸. Ҳуқуқий таълим дастурлари турли мазмунни ўз ичига олади. Булар фуқаролик, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, бағрикенглик ва тинчликсеварликни тарбиялаш ва бошқалар. Ҳуқуқий таълимнинг Франция тажрибаси ҳам эътиборга лойиқ, “француз мактабларида ўқувчилар бирламчи манбалар (“Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари декларацияси», «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси” ва бошқалар) асосида кундалик ҳаётда учрайдиган ҳуқуқий вазиятларни таҳлил қила олишлари керак; танқидий фикрлаш қобилиятига эга бўлиб, ижтимоий-сиёсий ҳаёт масалалари бўйича ўз нуқтаи назарига эга бўлиши, олинган билимларни амалиётда қўллай олиши керак”⁹, бунга эришиш учун махсус дастурлар ишлаб чиқилган. Ҳуқуқбузарликлар профилактиканинг асосий вазифаси жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, қонунийликни мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, ўрганиш ва бартараф этиш чора-тадбирларини кўришдан иборат. Шунингдек, турли давлатларда ушбу жараёни ташкил этиш кўлаmidан келиб чиққан ҳолда мазкур вазифалар янада кенгайтирилган. АҚШ, Буюк Британия, Германия каби давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фақат кенг қамровли фаолият йўналиши сифатида ташкил этилган тақдирдагина яхши самара бериши мумкин. Бу эса, мазкур жараёнда барча даражадаги давлат ва нодавлат тузилмалар ҳамда фуқароларнинг кенг кўламдаги иштирокини талаб этади. Айни пайтда ушбу заруратни тушуниб етган ҳолда мазкур давлатлар аҳолиси ҳам ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда онгли равишда иштирок этиш истагини билдирдилар. Хулоса қилиб айтганда, ёшлар ўртасида Конституциявий онгни шакллантириш мақсадида юқоридаги ҳуқуқий акцияларнинг ҳуқуқий тартибда йўлга қўйилиши, нафақат уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга, балки демократик фуқаролик жамияти барпо этиш

⁷Аксенова Э. А. Гражданское образование зарубежных школьников: современные тенденции развития // Школьные технологии. 2015. № 4. С.40.

⁸Гаджиева П. А., Раджабова Р. В. Правовое образование подрастающего поколения: отечественный и зарубежный опыт // Мир науки, культуры, образования. 2019. № 5(78). С. 122.

⁹Протасова И. А. Гражданско-правовое образование как фактор формирования правовой культуры личности (на примере стран западной Европы и США) // Культура. Образование. Право. Вып. 2: Материалы Междунар. науч.-практ. конф., 28–29 апр. 2009 г. Екатеринбург, 2009. С. 83.

жараёнида ёшларнинг масъулиятини кучайтиришга, шу билан бирга, жамоат хавфсизлигининг барқарорлигига ҳам хизмат қилади.

Бу ижобий тажриба Ўзбекистон учун ҳам мақбулдир. Ретсидивист шахслар билан индивидуал ишлаш тизими озод этилганидан кейин дастлабки уч ойда уларнинг ҳар бир қадами устидан қаттиқ узлуксиз назорат қилиш ва кейинги даврда назорат остидаги шахсларнинг қонунга итоаткор хулқ-атворини ҳисобга олган ҳолда, маъмурий назоратни босқичма-босқич сусайтириш асосида қурилиши керак. Профилактика инспектори назорат остидаги шахс ва унинг оила аъзолари билан доимий шахсий алоқада бўлганда, аҳоли назорат остидаги шахснинг номақбул алоқаларини аниқлашда профилактика инспекторига қўмаклашсагина бу фаолиятни амалга ошириш ва ижобий натижа олиш мумкин.

Биринчи навбатда, ҳуқуқий маданият ва ҳуқуқий онг жамиятда қонунийликни таъминлаш ва инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамиятга эга. Миллий гвардия тузилмалари ходимлари ўз касбий фаолияти давомида юксак ҳуқуқий маданиятга эга бўлиши лозим. Бунинг учун қонунларни мукамал билиш, ҳуқуқий нормаларга ҳурмат билан муносабатда бўлиш ва қонунларга сўзсиз риоя қилиш уларнинг кундалик хизмат фаолиятининг асосий қисмига айланиши шарт.

Иккинчидан, миллий хавфсизлик ва жамоат тартибини сақлашда ҳуқуқий маданият муҳим омил сифатида аҳамият касб этади. Ҳуқуқий маданияти юксак бўлган ходимлар инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилади, уларнинг қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилади. Миллий гвардия ходимлари жамиятда қонун устуворлигини таъминлашдаги асосий куч бўлиб, уларнинг ҳуқуқий саводхонлиги ва касбий билимлари жамиятнинг ҳуқуқий онгини ривожлантиришга ҳисса қўшади.

Учинчидан, ҳуқуқий маданиятнинг шаклланиши ва уни юксалтириш Миллий гвардия органларининг хизмат тайёргарлигида доимий равишда қонунчилик янгиликларини ўзлаштириш, ҳуқуқий амалиётни ўрганиш ва малака оширишни талаб қилади. Шунга мувофиқ, етакчи мутахассисларни жалб қилган ҳолда махсус ҳуқуқий ўқув машғулоти ташкил этилиши мақсадга мувофиқдир. Бунинг натижасида қонунийликка риоя қилиш ва инсон ҳуқуқларини таъминлашда юксак ҳуқуқий маданият асосида фаолият юритилади.

Тўртинчидан, Миллий гвардия ходимларининг интизом ва одоб-ахлоқ қоидалари уларнинг хизмат жамоаси, жамият ва шахсий виждони олдидаги маънавий жавобгарлигини белгилайди. Ҳуқуқбузарликка йўл қўйган ходимлар нафақат интизомий, балки маънавий жавобгарликка ҳам тортилади. Бу тамойиллар ходимларнинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида масъулиятини янада кучайтиради.

Бешинчидан, Президент қарорлари ва Миллий гвардиянинг Интизом устави каби норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳуқуқий маданият ва қонунийликни таъминлашга қаратилган. Бу ҳужжатлар қонун устуворлигини мустаҳкамлаш, жамоатчилик назоратини кучайтириш ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг касбий этика ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришни мақсад қилади.

Ҳулоса қилиб айтганда, юксак ҳуқуқий маданият жамиятда қонунийликни, ҳуқуқий тартибни ҳамда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг самарали амалга оширилишини кафолатлайди. Миллий гвардия тузилмалари ходимлари учун бу тамойиллар доимий риоя қилиниши лозим бўлган қонунчилик ва ахлоқий меъёрлар билан уйғун ҳолда амалга оширилиши зарур.